

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

**«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА СИЁСАТШУНОСЛИК»
КАФЕДРАСИ**

САЛОҲИДДИНОВА Н. М.

**Халқаро ҳуқуқда
халқаро ҳуқуқ
объекти ва субъекти
тушунчаси**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

ТОШКЕНТ - 2010

Услубий кўрсатма 2010 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институти «Гуманитар фанлар» кафедраси мажлисида муҳокама қилинди (Баённома № 2) ва 2010 йил 5 октябрда «Ўзбекистон тарихи ва Сиёсатшунослик» кафедрасининг умумий йиғилишида (6-сонли Баённома) муҳокама этилди

Тузувчи : «Ўзбекистон тарихи ва Сиёсатшунослик» кафедраси
катта уқитувчиси **Н.М. САЛОХИДДИНОВА**

Тақризчилар: Ўзбекистон Миллий университети юридик факультети
доценти **А. МАМАТҚУЛОВ** ва
ТАЙИ «Ўзбекистон тарихи ва Сиёсатшунослик» кафедраси
доценти **А.П. АЛЛАБЕРГЕНОВ**

«Иқтисодиёт ва Бошқарув» факультети Илмий-услубий йиғилишида 2010 йил 15 октябрда муҳокама этилди ва нашр этишга рухсат этилди (3-сонли Баённома)

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТИ ТУШУНЧАСИ .

МУНДАРИЖА

Кириш.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ

Асосий қисм :

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ОБЪЕКТИ ТУШУНЧАСИ.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТИ ТУШУНЧАСИ.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ УМУМТЕХНИК
МУАССАСАЛАРИДА “ҲУҚУҚШУНОСЛИК” ФАНИ
ЎҚИТИЛИШИДА “ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ” МАВЗУСИНИ
ЎРГАНИШДА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР.**

ХУЛОСА .

ГЛОССАРИЙ.

АДАБИЁТЛАР.

ИЛОВА.

КИРИШ.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ : тушунчаси ва унинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.

XX асрнинг охири - XXI аср бошларида дунё харитаси умуман ўзгариб кетди. Янги, мустақил давлатлар пайдо бўлиши, табиийки, у билан боғлиқ янгича шарт-шароитларни ҳам юзага келтирди. Жумладан, янги давлатлар мустақиллигининг тан олиниши масаласи. Бу айтиш мумкинки, халқаро сиёсатнинг муҳим муаммосига айланмоқда. Ҳозирги давр цивилизациясининг яхлитлиги, бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги универсал асосда ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти мавжуд бўлиб, натижада ҳозирги универсал ҳуқуқ меъёрлари вужудга кела бошлаган. Тинч-тотув яшаш, ҳамкорлик принциплари аҳамиятининг умум тан олиниши уруш ҳуқуқи институти, халқаро ҳуқуқий жавобгарлик, консуллик ва дипломатик ҳуқуқларда сезиларли ўзгаришнинг юз беришига олиб келган. Халқаро ҳуқуқнинг янги принциплари ва институтлари ичида аввалом бор, халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик, агрессия учун давлатларининг жавобгарлиги ҳамда халқаро ҳуқуқнинг алоҳида соҳасига айланган инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ҳозирги ҳуқуқий онг жиноятчиликка қарши кўрашда халқаро ҳамкорликни ўрнатиш имконини беради. Ҳозирги давр халқаро ҳуқуқи учун халқаро ташкилотлар, атроф муҳитни ҳимоя қилиш каби янги халқаро ҳуқуқ соҳаларининг вужудга келиши билан характерлидир. Ҳозирги давр халқаро ҳуқуқи давлатлар томонидан яратиладиган, улар ўртасидаги ва халқаро муносабатларнинг бошқа қатнашчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун ҳамда халқаро тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадига қаратилган юридик меъёрлар тизимидан иборат. Халқаро ҳуқуқни ҳозирги давр нуқтаи-назаридан тушуниш юз йиллар давомида шаклланган.

Ҳозирги дунёда алоҳида кишилар, ташкилотлар ва давлатлар ўртасидаги интеграциявий алоқалар сезиларли равишда кучайиб бормоқда, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўсиб бормоқда. Бу жараёни олимлар

глобаллашув деб атайдилар. Глобаллашув ранг-барангдир, у жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олади. Шу сабабли Олий таълим муассасаларида халқаро ҳуқуқ ва унинг категорияларини ўрганиш долзарб вазифалардан биридир.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ – бу давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқдан фарқ қилиб, бир қатор ўзига хос хусусиятларига эга. Халқаро ҳуқуқда миллий ҳуқуқий тизимдан фарқли улароқ олий орган мавжуд эмас ва тегишли масалалар халқаро муносабатлар иштирокчиларининг розилиги билан тартибга солинади.

Халқаро ҳуқуқ – давлатлараро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган, халқаро муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади ҳамда халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан яратилган юридик нормалар ва принциплар тизимидан иборатдир.

Мазкур таърифдан халқаро ҳуқуқнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари келиб чиқади:

- халқаро ҳуқуқ – ягона мақсад ва принциплар асосида яратилган нормаларга эга тизим ;
- халқаро ҳуқуқ нормалари давлатлараро муносабатларни тартибга солади;
- ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий мақсади – халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя этишни таъминлашдан иборатдир.

Халқаро ҳуқуқ нормасида субъектларнинг, аввало, давлатнинг умумий иродаси ифодаланган. Яъни давлатлар муайян халқаро ҳуқуқ нормасини яратиш жараёнида ўз хоҳиш-истаклари билан ҳаракат қилишади. Халқаро ҳуқуқ объектига муайян халқаро муносабатлар, энг аввало, суверен давлатлар ўртасидаги муносабатлар киради.

Халқаро муносабатлар – бу халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий ва бошқа турдаги алоқалар ва муносабатлар мажмуидир.

Халқаро ҳуқуқ тармоғи сифатида қуйидаги муносабатларни тартибга солади:

биринчидан, давлатлар ўртасидаги – икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни;

иккинчидан, давлатларнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши билан боғлиқ давлатлар ҳамда ҳукуматлараро ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;

учинчидан, ҳукуматлараро ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;

тўртинчидан, давлатлар ҳамда давлатга ўхшаш тўзилмалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Халқаро ҳуқуқнинг субъектлари: мустақил давлатлар; ўз мустақиллиги ва озодлиги учун кўраш олиб бораётган миллатлар ва элатлар, давлатга ўхшаш тўзилмалар тўзилмалар (Ватикан, Мальта ордени); халқаро ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлардир. Халқаро ҳуқуқ субъектлари ўзаро келишиб, мустақил равишда халқаро ҳуқуқ нормаларини яратадилар. Халқаро ҳуқуқда халқаро ҳуқуқий нормаларнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик мавжуд бўлиб, турли сиёсий ва моддий чоралар қўлланилади. Ҳуқуқий тўзилмалар ва ҳуқуқ тармоқларига ҳуқуқий нормалар ҳуқуқ тизимининг реал мазмунини ташкил этади. Ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқий тўзилма ва ҳуқуқ тармоғи – ҳуқуқ тизимининг асосий қисмлари ҳисобланади.

Ҳуқуқ тизими – бу ижтимоий муносабатлар тизими объектив равишда тақозо этадиган ҳуқуқнинг ички тўзилиши бўлиб, у норматив материалнинг муайян кетма-кетлик асосида бирлашиши ва жойлашувида ўз ифодасини топади. Маълумки, ҳуқуқнинг алоҳида нормалари, тармоқлари ва тўзилмалари ҳуқуқ тизими таркибининг ички қисмлари сифатида майдонга чиқади.

Халқаро ҳуқуқ тизими деганда, элементлардан ташкил топиб, бир бутун халқаро ҳуқуқни ташкил этувчи, ўзаро зид келмайдиган, интегратив норматив тизимни тушунмоқ лозим.

Шу ўринда халқаро ҳуқуқ нормалари давлат ички ҳуқуқ тармоқлари тизимига кирмаслигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Халқаро ҳуқуқ – бу давлатлараро муносабатларда давлатлар иродалари ўзаро келишуви, муросаси натижасидир. Шу муносабат билан бундай нормалар халқаро шартномалар, конвенциялар, пактлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларида ўз ифодасини топганлигини алоҳида қайд этишимиз лозим бўлади. Ҳозирги даврда шаклланиб улгурган халқаро ҳуқуқ универсал нормаларига кўра давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишга ҳамда уларнинг ҳамма учун бирдек, бирор-бир камситишларсиз, амал қилишини таъминлашга мажбур ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда акс этган хулқ стандартлари давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ўз миллий қонунчилигини ишлаб чиқиши ва қабул қилишида намуна вазифасини ўтайди.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари (тамойиллари) - (1970 йил БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларациясига асосланади)

а) уларнинг барчаси **давлатларнинг тинч-тотув яшаш тамойилидан иборат** бўлиб, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга қаратилгандир :

- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
- давлатларнинг ҳудудий бутунлиги;
- чегаралар дахлсизлиги;
- халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш;
- қуролсизланиш.

Халқаро ҳамкорликни амалга оширишда халқаро ҳуқуқ субъектлари қўйидаги умумий принципларга таянади:

- давлатларнинг суверен тенглиги;
- ички ишларга аралашмаслик;

- миллатлар ва халқларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи;
- давлатларнинг ҳамкорлиги;
- инсон ҳуқуқларини ҳурмат этиш
- халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш.

Мазкур услубий кўрсатма Олий таълим тизимидаги умумтехник институтларида “Ҳуқуқшунослик” фани ўқитилишида “Халқаро ҳуқуқ асослари” мавзусини ўрганишида ўқитувчи ва талабаларга фойдаланиш учун тақдим этилмоқда. Олий таълим тизимидаги умумтехник институтларида “Ҳуқуқшунослик” фани ўқитилишида “Халқаро ҳуқуқ асослари” мавзусини ўрганишида халқаро ҳуқуқ тушунчаси, халқаро ҳуқуқнинг ривожланиш тарихи, халқаро ҳуқуқ объектлари, халқаро ҳуқуқ функциялари, халқаро ҳуқуқ нормалари, халқаро ҳуқуқ манбалари, халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари, халқаро ҳуқуқ субъектлари ўрганилади ва қўшимча сифатида - халқаро жиноят ҳуқуқи, халқаро гуманитар ҳуқуқ, халқаро хавфсизлик ҳуқуқи, халқаро иқтисодий ҳуқуқ, халқаро автомобил транспорти, автомобил ва йўллар ҳуқуқи, халқаро юк ташиш ҳуқуқи, халқаро ядро ҳуқуқи, халқаро экология ҳуқуқи, халқаро ҳаво ҳуқуқи, халқаро космик ҳуқуқ каби тушунчалар кўриб чиқилади.

Услубий кўрсатмада халқаро ҳуқуқ тушунчаси, унинг аҳамияти ва ҳуқуқ тизимида тутган ўрни, халқаро ҳуқуқнинг объектлари ва субъектлари таҳлил қилинади, ҳамда Олий таълим тизимидаги умумтехник институтларида “Ҳуқуқшунослик” фани ўқитилишида “Халқаро ҳуқуқ асослари” мавзусини ўқитилишида бир неча услубий кўрсатмалар тавсия этилади.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ОБЪЕКТИ ТУШУНЧАСИ.

Ҳар бир ўрганиладиган нарс ва ходисанинг аввало объекти ва субъекти аниқланиб, ўрганилади. Бунинг сабаби нима ҳақида ва нима учун ўрганиш зарур деган саволга жавоб топилади.

Объект - бу ўрганиладиган соҳанинг фазоси ва вақти. Соҳа шу учун шаклланади ва шуларга барча эътибор қаратилади.

Субъект эса - бу шу соҳанинг иштирокчиси (фаол ва пассив), у шу соҳани бошқаради, ёки унга таъсир этади ва шу соҳа муносабатлар қатнашчиси.

Халқаро ҳуқуқ - халқаро муносабатларни тартибга солувчи тамойиллар ва меъёрларнинг мажмуи сифатида таърифланади. Халқаро ҳуқуқ унинг моҳиятини белгиловчи ва халқаро ҳуқуқ билан тартибга соладиган нарс бу **халқаро ҳуқуқ объектидир.**

Халқаро ҳуқуқ объектларига : Халқаро ҳуқуқ манбалалари, халқаро муносабатларда ҳудуд тушунчаси, уларнинг турлари ва аҳамияти, халқаро дарёлар, “аҳоли” тушунчаси, халқаро микёсда фуқаролик масалалари, чет элликлар, қочоқлар ва мажбуран кўчирилган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, бошпана ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқда жавобгарлик масаласи, халқаро жиноят ҳуқуқи, халқаро шартномалар ҳуқуқи, дипломатик ва консуллик ҳуқуқи, мамлакатларнинг ташқи сиёсати ва муносабатлари, халқаро ташкилотлар ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари, халқаро низоларни тинч ҳал этиш воситалари, халқаро гуманитар ҳуқуқ, халқаро хавфсизлик ҳуқуқи. давлатларнинг ташқи сиёсати ва дипломатияси ҳам халқаро ҳуқуқ объектидир. Лекин, асосан, халқаро ҳуқуқ объекти сифатида олимлар давлатлараро муносабатларни ҳамда - миллатлар, халқлар ва барча этносларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари масаласини талқин этадилар. Давлатлараро муносабатлар халқаро ҳуқуқнинг объектив чегараларини белгилайди. Албатта, миллий ҳуқуқий тизимлар давлатларнинг суверен тенглиги тамойили сабабли ҳам, ҳуқуқий тизимларнинг ўзи турли-туманлиги сабабли ҳам давлатлараро муносабатларни бошқариш имконига эга эмас.

Бундан халқаро меъёрлар (нормалар) тизимининг энг муаммоли масалаларидан бири келиб чиқади: миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари қай тарзда ўзаро алоқада бўлади? *Монист*¹лар ҳар қандай ҳуқуқий меъёрлар табиатан бир хил бўлгани учун миллий ва халқаро ҳуқуқ ажралмасдир, деб ҳисоблайдилар. Айни пайтда *дуалистлар* миллий ва халқаро ҳуқуқни бир-биридан ажратадилар: улар бошқарадиган объектлар ҳар хил ва ҳуқуқий таъсир воситалари бир-биридан фарқ қилади. Миллий ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқдан *устулиги*² тарафдорлари миллий ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари ўртасидаги карама-қаршиликлар миллий ҳуқуқ фойдасига ҳал қилиниши лозим, деган нуқтаи назарни илгари сурадилар.

Халқаро ҳуқуқ - халқаро майдонда фаолият кўрсатувчи давлатлар, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаракатлар, халқларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий ва бошқа муносабатлар мажмуаси бўлган халқаро муносабатларни тартибга солувчи **объектлардан иборат**. Объектлик соҳаси ҳуқуқий муносабатга киришувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига йўналтирилган, томонлар халқаро-ҳуқуқий муносабатларга киришиши учун омил ҳисобланувчи барча жиҳатлар, демакдир. Объектлик соҳаси субъектлик соҳаси билан ўзаро боғлиқ, чунки унга халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларгина мансуб бўлиб, бундай муносабатларнинг барча иштирокчиларини қамраб олмайди. Худудий соҳа ёки халқаро ҳуқуқ амал қилишининг худудга, маконга оид соҳаси амалиёт нуқтаи назаридан жуда муҳим бўлиб, бу ўринда халқаро ҳуқуқ амал қиладиган ҳуқуқ субъектлари ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини рўёбга чиқарадиган худудлар – қуруқлик, сув, ҳаво, фазо маконлари хусусида сўз бормоқда. Бунда халқаро ва миллий ҳуқуқий тизимлар таъсирининг худудий соҳаларини чеклаш муаммоси кун тартибида туришини унутмаслик лозим. Таъкилаш жоизки, давлат ўзига тегишли худуд доирасида ўзининг тўла ва истисносиз суверенитетини жорий этади. Халқаро

¹ Юнонча “моно” (“бир”) сўзидан, миллий ва халқаро ҳуқуқнинг яхлит, ягона эканлиги тарафдорларини шундай атайдилар.

² Бу концепция вакиллари мазмунан халқаро ҳуқуқнинг юридик кучини инкор этганликлари сабабли, уларни “халқаро-ҳуқуқий нигилистлар” деб ҳам аташади.

ҳуқуқда бу борада муҳим бир қоида мустаҳкамлаб қўйилган ва ушбу қоидага кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг халқаро (ҳаво, фазо, очик денгиз, Антарктикадаги) маконлардаги фаолияти миллий ҳуқуқ асосида тартибга солинади, табиийки бунда халқаро ҳуқуқ доирасидаги қоидалар ҳам инобатга олинади. Субъектлик соҳаси халқаро ҳуқуқ нормалари таъсирида бўлган субъектлар доирасини қамраб олади.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТИ ТУШУНЧАСИ.

“**Ҳуқуқ субъекти**” тушунчаси - давлат ва ҳуқуқ назариясида ишлаб чиқилган бўлиб, миллий ҳуқуқ ёки халқаро ҳуқуққа нисбатан эмас, балки умуман ҳуқуққа нисбатан қўлланилади. Халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган шундай халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари *халқаро ҳуқуқ субъектлари* деб аталади. Ҳуқуқ нормаси асосида субъектга тегишли бўлган муайян юридик ҳуқуқ унинг субъектив ҳуқуқи ҳисобланади. Унга халқаро ҳуқуқда ҳар доим бошқа халқаро ҳуқуқий муносабат субъектининг субъектив мажбуриятлари қарама-қарши туради.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари – халаро ҳуқуқ меъёрлари билан субъектив ҳуқуқ ва субъектив мажбуриятларга эга бўлган халқаро ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларидир. Халқаро ҳуқуқда “бурч” атамаси ўрнига “мажбурият” атамаси қўлланилади, чунки тегишли мажбуриятлар фақат халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинган ижтимоий муносабатларнинг асосий иштирокчиларининг розлиги билангина мажбурият тушунилади.

Агар “халқаро ҳуқуқ субъекти” атамаси узоқ вақт давомида фақат халқаро ҳуқуқ назариясида фойдаланиб келинган бўлса, сўнгги вақтларга келиб халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам, хусусан, БМТ доирасида қабул қилинган универсиал конвенцияларда ҳам фойдаланилмоқда. **Халқаро ҳуқуқ субъекти** – халқаро ҳуқуқнинг умумий меъёрларига ёки халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабига мувофиқ пайдо бўладиган халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгасидир. Шунингдек, бу хатти-ҳаракатлар бевосита халқаро

ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ва халқаро ҳуқуқий муносабатларга киришадиган ёки киришиши мумкин бўлган шахслардир.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари бирламчи ва иккиламчи (ҳосилавий) халқаро ҳуқуқ субъектларига бўлинади. **Бирламчи** халқаро ҳуқуқ субъектларига: давлатлар ҳамда ўз мустақиллиги учун кўраш олиб бораётган халқлар ва миллатлар киради. Улар ижтимоий организм сифатида пайдо бўлиб, муқаррар равишда ўзаро алоқа ўрнатади, ўзи учун ўзаро халқаро муомила қоидасини яратади. **Иккиламчи** (ҳосиласи) халқаро ҳуқуқ субъектлари бирламчи субъектлар томонидан яратилади. Уларнинг халқаро ҳуқуқий лаёқатининг ҳажми унинг ташкилотларининг ихтиёри ва мақсадига боғлиқ. Буларга ҳукуматлараро ташкилотлар ва давлатга ўхшаш тўзилмалар киради.

Халқаро муносабатларнинг иштирокчилари, халқаро ҳуқуқ бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширувчилар халқаро ҳуқуқ *субъектлари* ҳисобланадилар. Халқаро ҳуқуқнинг турли субъектларидаги халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар кўлами бир-биридан анча фарқ қилганлиги сабабли, улар *асосий (бирламчи)* ва *махсус (иккиламчи) субъектларга* ажратилади (Илова - 1) .

Халқаро ҳуқуқ икки ёки ундан ортиқ халқаро ҳуқуқ субъекти *хоҳишларининг* (очиқ қувватланган ёки эътироз билдирилмаган ҳолда) *мувофиқлаштирилиши* орқали яратилади. Махсус субъектлар (Ватиканни ҳисобга олмаганда) халқаро ҳуқуқ меъёрларини яратиш қобилиятига эга эмас.

Давлат - халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти . Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ нормалари давлатлар ўртасидаги, шунингдек, давлатлар билан халқаро ташкилотлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади. Шу боис, давлатлар – халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти, халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг асосий реал иштирокчисидир. Чунки у доимий равишда давлатлар, халқаро ташкилотлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро муносабатда бўлиши зарур.

Халқаро ҳуқуқда “давлат” атамасининг умумий тушунчаси берилмаган. Лекин, бу тушунча юридик жиҳатдан ҳар қандай давлатга хос бўлган умумий хусусиятдаги – суверенитет тушунчасидан келиб чиқади. **Давлат** – халқаро ҳуқуқнинг асосий ва бирламчи субъекти, шунингдек, халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчисидир. Халқаро ҳуқуқий маънода давлат уч элемент: муайян ҳудуд; унда яшайдиган аҳоли; сиёсий ташкилот (ҳокимият) бирлигини ўзида ифодалайди. Халқаро майдонда давлат сиёсий ҳокимият ташкилоти сифатида айниқса, унинг асосий органи номидан вакили сифатида чиқади. Давлатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида характерловчи асосий белгиси давлат суверенитети ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида давлатнинг бирламчилиги шундаки, улар ҳеч ким томонидан ташкил этилмайди, улар объектив тарихий реаллик сифатида мавжуддир. Бошқа томондан давлатларнинг ўзлари халқаро ҳуқуқнинг иккиламчи субъекти – халқаро ташкилотларни яратиши мумкин.

Бирламчи субъект сифатида давлатлар универсал халқаро ҳуқуқ лаёқатига эга. Айнан давлатлар халқаро ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқади, уларни бузганлик учун жавобгарликни, халқаро ҳуқуқ-тартиботни ва халқаро ташкилотларнинг функцияларини бегилайди. Давлатларнинг ушбу имкониятлари ўзлари томонидан яратилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва меъёрларидан бошқа ҳеч нима билан чегараланмайди.

Мазкур принциплар ва нормаларга мувофиқ давлатлар халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида халқаро ҳужжатларда, хусусан БМТ Уставида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Халқаро ҳуқуқ учун давлатларни оддий (унитар)га ва мураккабга бўлиш лозим. Давлатнинг ҳудудий-ташкилий тўзилмаси турли хил бўлиши мумкин. Давлат тўзилишининг оддий (унитар) ва мураккаб (федератив ва конфедератив) шакллари фарқланади. Давлатнинг ички ҳуқуқида ва халқаро ҳуқуқда суверенитетнинг роли ва ўрни масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Суверенитетнинг бир неча турлари мавжуд. Авваломбор, бу –халқ суверенитети. Сўнг бу – миллатларнинг ўз тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқи ва

нихоят бу – давлат суверенитетидир. Халқ суверенитети, миллий суверенитет ва давлат суверенитети - айнан бир тушунча эмас. Улар турли ижтимоий воқеаликнинг хусусиятлари бўлиб, шу билан бирга бу тушунчалар маълум бир умумийликка эга. Ушбу тушунчалар ичида халқ суверенитети бирламчи ҳисобланади.

Давлат суверенитети – давлатнинг эмас, балки давлат ҳокимиятининг устуворлиги ва мустақиллигидир. Давлат суверенитети мамлакат ичкарисида ва ташқарисида давлатнинг фаолияти ёрдамида амалга оширилади. Давлат суверенитетининг ушбу икки жиҳати, яъни биринчидан, давлат ҳокимиятининг мамлакат ичида устуворлиги, иккинчидан, бошқа давлатларнинг суверен ҳуқуқлари ва умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ташқи алоқаларда мустақиллиги-яхлит ва ажралмасдир. Суверен давлатлар бошқарилиш жиҳатдан - **монархия** ёки **республика** шаклида бўлиши мумкин.

Монархия - авлоддан-авлодга ўтаётган ҳокимиятга асосланган давлат. У икки ҳил бўлади : **мутлоқ** (Марокашда) ва **конституцион** - масалан : Япония, Испания, Канадада (ёки **парламентар** - масалан: Дания, Австралия, Англияда)

Республика - ҳокимияти сайлаш-сайланишига асосланган давлат бошқаруви. У ҳам икки ҳил бўлади - президентлик (масалан : Ўзбекистон, Россия, АҚШ) в парламентар (Хитой, Ҳиндистон, Ливияда)

Суверен давлатлар - унитар, федератив ва конфедератив шаклларда тузилиши мумкин.

Унитар давлат - халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг ягона субъекти сифатида қатнашади (масалан, Ўзбекистон). Унитар давлатнинг таркибий қисмлари маъмурий-ҳудудий бирликлари)нинг ҳуқуқий субъекти билан боғлиқ масала юзага келмайди.

Ҳозирги вақтда **федерациялар** мураккаб давлатлар бўлиб, уларнинг таркибига бир қатор давлатлар ва давлат тўзилмалари киради (масалан, Россия, Ҳиндистон, АҚШ). Бунда федерация аъзолари (республикалар,

штатлар, катонлар, хуудлар ва ҳоказо) муайян мустақиллигини сақлаб қолади, бироқ ташқи муносабатларда мустақил иштирок этиш бўйича конституциявий ҳуқуққа эга бўлганликлари сабабли халқаро ҳуқуқ субъектлари бўлиб ҳисобланмайди. Бундай ҳолларда федерация халқаро ҳуқуқнинг ягона субъекти сифатида халқаро муносабатларда иштирок этади.

Давлатнинг конфедерация шакли маълум бўлиб, у мустақил давлатларнинг умумий мақсадларни кўзлаб (масалан, ўзаро мунофаа, ташқи алоқалар ва ҳ.к.) тўзилган уюшмасидан иборатдир.

Конфедерация – бу икки ёки ундан ортиқ давлатнинг ўзаро манфаатларни кўзлаб ёки бирон-бир муддатга тузган иттифоқидир. Конфедерация олдида қўйилган мақсадлар уни таъсис этиш ҳақидаги битимлар белгиланади (Биринчи Жаҳон уруши даврида : Австро -Венгрия, XX аср ўрталарида - Югославия, Чехословакия). Ҳозир конфедерациялар - маълум умумжаҳон манфаатни кўзлаб ташкил этилмоқда - ФИФА ва бошқалар.

Бетараф давлатлар (нейтралитет). Халқаро ҳуқуқ субъекти бўлган давлатлар орасида доимий бетараф (нейтрал) давлатлар алоҳида ажралиб туради. Доимий бетарафлик (нейтралитет) давлатнинг махсус халқаро ҳуқуқий мавқеи бўлиб, унга мувофиқ давлат ҳеч қандай давлат тарафида урушга киришмаслиги ҳамда уруш олиб бораётган тарафларга ҳеч қандай ҳарбий ёрдам кўрсатмаслиги зарур. Доимий бетарафлик мақоми мазкур давлатга тинчлик вақтида ҳам маълум мажбуриятларни юклайди. Ҳозирда Швейцария, Австрия, Лаос, Мальта, Туркменистон доимий бетараф мақомига эга.

Ўз мустақиллига учун кўрашаётган халқ ва миллатлар - ҳам халқаро ҳуқуқнинг субъектларидир (курдлар, уйғурлар, месхетинлар ҳаракатлари мисол бўла олади). Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплардан бири миллат ва халқларнинг халқаро ҳуқуқда мустаҳкамланган тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи ҳисобланади. Ўз озодлиги учун кўрашаётган ва маълум ҳокимият тўзилмаларини тузган, ягона

марказ Билан бирлашган миллат ёки халқлар миллат ёки халқ номидан халқаро муносабатларда иштирок этиши ва халқаро ҳуқуқ субъекти мақомига эга бўлишни талаб қилиши мумкин. Амалда бундай тўзилмалар қаторига ягона қўмондонликка эга бўлган ҳамда аксарият ҳолларда бир вақтнинг ўзида сиёсий раҳбарликни амалга оширувчи қуролли отрядлар киради. 1960 йилги колониал мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларациядан “барча миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга; мазкур ҳуқуқдан келиб чиққан ҳолда, улар ўз сиёсий мақомини эркин равишда ўранатадилар ҳамда иқтисодий, ижтимоий-маданий тараққиётни амалга оширадилар”, деб бегиланган. 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларация миллатлар тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўз белгилаш принципининг норматив мазмунини баён этади. **Миллатлар ёки халқлар** халқаро ҳуқуқнинг **алоҳида ва махсус** субъектлари ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияга мувофиқ суверен ва мустақил давлатнинг пайдо бўлиши, мустақил давлатга эркин қўшилиши ёки у билан бирлашиши ёки халқ томонидан эркин асосларда белгиланган бошқа сиёсий мақомнинг ўрнатилиши Ушбу халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилашни амалга оширишнинг усуллари саналади. Ҳозирги кунда миллатларнинг ўз тақдирини ўз белгилаши Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги 1966 йилдаги Пактлар - иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларда эътироф этилган. Чунончи, мазкур Пакт 1-моддасининг 2-бандида барча миллатлар ўз мақсадларига эришиш учун табиий бойликлари ва ресурсларидан эркин фойдаланишлари ҳамда ҳеч қайси миллат ўзига тегишли бўлган ҳаёт кечириш воситаларидан маҳрум қилмаслиги таъкидланади. Миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши билан боғлиқ ҳуқуқнинг сиёсий-ҳуқуқий асоси унга тегишли миллий мустақилликдан иборат бўлиб, ҳаётнинг барча соҳаларида ҳар тарафлама ривожланиш нуқтаи назаридан озод ва мустақил ҳаёт кечириш ҳуқуқининг амалга оширилишини билдиради. Миллий мустақиллик дахлсиз ва ажралмасдир. Шу боис, миллат

ва халқларнинг халқаро ҳуқуқий субъектлари халқаро муносабат иштирокчиларнинг хоҳиш-иродасини боғлиқ эмас.

Халқаро ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар - халқаро ҳуқуқнинг субъектларидан асосийсидир. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар XIX асрга келиб пайдо бўла бошлади. Халқаро ташкилотлар таркибига ҳукуматлараро ташкилотлар ҳамда аъзолари шахсий тартибда ҳаракат қилувчи давлатлараро механизмлар ва органлар (халқаро арбитражлар, комитетлар, экспертлар гуруҳи ва бошқалар) киради. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар аъзо давлатлар уларга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг берилишига розилик берганликлари сабабли ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланадилар. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса, таъсис ҳужжатлари (низом, статут ва бошқалар)да акс эттирилган бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларига тўлиқ мос келади. Халқаро ташкилот халқаро тўзилма бўлиб, унинг ва таъсис этилиши ва фаолияти халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Халқаро ташкилотнинг таъсис этилиши ва фаолият ҳозирги давр халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларига мувофиқ келиши лозим. Халқаро ҳуқуқий муносабатларда халқаро ташкилот аъзо-давлатлар ифодасидан фарқли ўлароқ, ўз ифодасини ифодалаб, фақат ўз номидан қатнашиши мумкин. Халқаро ташкилот аъзо-давлатлар ўзга ташкилотлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан бўладиган ҳуқуқий муносабатларда унинг ифодасини белгиланган қоидаларга мувофиқ шакллантирувчи ва ифодалаб бера олувчи органларга эга бўлиши лозим.

Аъзолари таркиби ва фаолият доираси бўйича халқаро ташкилотлар универсал халқаро ташкилотлар, яъни барча давлатлар қатнашиши учун очик бўлган (масалан - БМТ, НАТО) ва ҳудудий (регионал) - масалан: *Африка бирлиги ташкилоти*, яъни қандайдир йирик регионал давлатларини бирлаштирувчи ва маҳаллий-бир неча (одатда учтадан кўп бўлмаган) давлатларни бирлаштирувчи турларга бўлинади. Ўз таркиби, фаолият соҳаси ва халқаро муносабатлардаги тутган алоҳида ўрнига кўра энг универсиал

ташкилот - Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир (унинг таркибида - 16та ихтисослашган халқаро ташкилотлар фаолият кўрсатиб келмоқда)

Халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларига - эркин шаҳарлар, турли орденлар киради. Давлатлараро шартномаларга мувофиқ, ўтмишда ва ҳозирги вақтда ҳам баъзи давлатсифат тўзилмаларнинг ҳам махсус халқаро ҳуқуқий мақоми назарда тутилган бўлиб, унга кўра мазкур тўзилмалар халқаро муносабатларда маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар ҳамда халқаро ҳуқуқ субъектларига айланадилар. Бироқ, мазкур сиёсий-ҳудудий бирликларнинг халқаро ҳуқуқий лаёқати тегишли шартномаларнинг қоидалари билан тартибга солиниши боис, у чекланган ҳисобланади ҳамда давлатларнинг универсал ҳуқуқий лаёқатига тенглаштирилмайди. Ўтмишда махсус халқаро ҳуқуқий мақоми ўзига хос эркин шаҳарлар бўлган: Краков, Данциг ҳозирда бундай шаҳарлар мавжуд эмас.

Эркин шаҳар - халқаро шартнома ёки халқаро ташкилотнинг қарорига биноан барпо этилади ва чекланган ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган ўзига хос давлат ҳисобланади. У ўз Конституцияси ёки ўхшаш характердаги ҳужжатга, олий давлат органларига, фуқаролигига эга бўлади. Эркин шаҳар одатда қуролсизлантирилган ва бетараф ҳисобланади. Унинг қуролли кучлари фақат мудофаа характери киб касб этади. 1915 й. - Польшада Краков, 1947 й.да - Италияда Триест шаҳарларига бундай мақом берилган эди.

Ватикан ва Мальта ордени каби давлатга ўхшаш тўзилмалар ўзига хос жиҳатларга эга.

Ватикан. Давлатнинг барча жиҳатларига эга бўлган Ватиканга катта бўлмаган ҳудуд, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тегишли. Аҳолиси - 1 минг кишига яқин, Ватикан аҳолиси - руҳоний шахслар, майдони - 0,44 минг кв.км., Римнинг ғарбий қисмидаги Монте-Ватикано тепалигида жойлашган Ватикан католик черковининг маъмурий маркази сифатида кўрилади. Бир неча давлатларда Ватиканнинг ер мулки мавжуд. Давлат бошлиғи - Рим папаси - у қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ватикан мақомининг ўзига хослиги : унинг расман халқаро ҳуқуқ

субъекти деб тан олувчи давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатганлиги билан изоҳланади. Ватикан дипломатик корпусининг мансабдор шахслари *нунций* ва *интернунций* деб аталади ҳамда улар томонидан тўзилган шартномалар *конкордат* дейилади. Ватикан баъзи халқаро ташкилотларда ўз вакиллариغا эга. 1992 й.да Ватикан Ўзбекистон билан дипломатик муносабат ўрнатган.

Мальта ордени. 1889 йилда ташкил этилган бўлиб, рицарлик унвони ҳисобланган. Ҳозирда Мальта ордени давлатлар билан мустақил ҳолда халқаро муносабатларга киришиш ҳуқуқига эга. Бугунга келиб у 70 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик алоқаларни ўрнатган. Мальта орденининг ваколатхонаси Италиянинг Рим шаҳрида жойлашган. Ўз ҳокимият органларига эга, лекин ўз ҳудуди мавжуд эмас.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ – ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ.

Ўзбекистон - суверен давлат (1991 й., 31 август)

Бошқарилиши жиҳатдан - президентлик республика .

Тузилиши жиҳатдан - унитар давлат (федератив элементларига эга).

Сиёсий тартиб бўйича - демократик йўналишни танлаган давлат.

Давлат мустақиллигига эришиш Ўзбекистон Республикасига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига (1992 й. 2 март) ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш, суверен давлат сифатида ташқи сиёсатини мустақил юритиш, жаҳон ҳамжамиятига кириш йўллариини ишлаб чиқиш, давлатлараро муносабатларнинг йўналишлари ва устуворлигини белгилаш имконини берди. Собиқ Совет империяси даврида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятидан маҳрум эди, ўзининг мустақил ташқи сиёсий давлат идораларига, етарлича дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларига эга эмасди. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган бирорта олий ўқув юрти йўқ эди. Шунинг учун

истиқлолга эришган Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш – давлат фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан бири эди. Ўзининг халқаро обрў-эътиборини қозониш ва мустаҳкам, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзини қарор топтириш учун кўп ишларни қилиш, баъзида эса умуман бошидан бошлашга ҳам тўғри келди. Истиқлол шарофати ила Ўзбекистонда, авваломбор, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқини ўқитиш тизимини яратиш зарурати пайдо бўлди. Мамлакатимиз умумжаҳон ва минтақавий, кўптомонлама ва иккитомонлама даражаларда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни тобора фаол ривожлантираётган бир шароитда ҳуқуқшуноснинг юксак малакаси халқаро ва хорижий ҳуқуқни қўллаган ҳолда мамлакат ташқарисидаги ҳуқуқий ҳаётнинг янги қоидаларини тезда идрок этиш ва тўғри баҳолашни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланиши мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ фани ривожланишининг асоси бўлиб, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўла қонли аъзоси эканлиги қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, истиқлол туфайли Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. 2004 йилнинг бугунига келиб Ўзбекистонни жаҳондаги 131 та давлат тан олди, 113 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Бу эса Ўзбекистонга миллий-давлат манфаатларини устун қўйган ҳолда тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорликка асосланган фаол икки тамонлама фаолият олиб бориш имкониятини яратди.

Иккинчидан, Ўзбекистон жаҳондаги энг нуфузли 53 та универсал ва минтақавий халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди. Бундай ташкилотлар жумласига БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари (Юнеско, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқалар), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ҳамда қатор халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар киради. Халқаро

ташкilotларга аъзо бўлиш Ўзбекистонга ҳар томонлама мустақил дипломатик алоқалар олиб бориш имконини берди.

Учинчидан, Ўзбекистон халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи 60 дан ортиқ универсал ва минтақавий халқаро шартномаларга қўшилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон халқаро ҳамкорлик доирасида юзлаб икки томонлама шартномалар имзолаган. Қисқача айтганда, халқаро ҳуқуқий ижодкорликнинг фаол субъектига айланди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон жаҳон миқёсидаги энг нуфузли халқаро анжуманларнинг фаол иштирокчисига айланди, дунё ва минтақавий даражадаги бир қатор халқаро ташкilotлар билан алоқага киришди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеяси ва ЕХХТнинг минбарларидан туриб, Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, Марказий Осиёни ядросиз зонага айлантиришга, Орол денгизи муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ташаббуслар билан чиқди. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг овози халқаро анжуманлар минбарларидан баралла таралмоқда.

Бешинчидан, Ўзбекистон ўзининг хориждаги ташқи сиёсат ваколатхоналарини, яъни 40 та давлатда элчихона ва консулхоналарини, жумладан 28 та элчихонасини энг асосий халқаро ташкilotларда, хусусан БМТ ва ЕХХТда дипломатик ваколатхоналарни очди. Ўз навбатида, Тошкентда 44 та хорижий давлатларнинг элчихоналари ва 20 та халқаро ташкilotларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, халқаро ҳамкорликнинг энг олий даражаси бўлмиш дипломатик алоқалар тизими шаклланди.

Олтинчидан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўзининг халқаро мажбуриятларини содиқлик билан бажариб келмоқда. Бу борада БМТнинг конвенциявий органлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бош комиссари, ЕХХТни Варшавадаги демократик институти ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Еттинчидан, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умумэтроф этилган қонунлари ва нормаларини изчиллик билан ўз миллий қонунчилигига импелиментация қилмоқда. Бундан ташқари, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Бундай қонунлар жумласига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги институтциявий қонун, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонун, «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги қонун, Консуллик Устави ва бошқалар киради. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва дипломатиясининг мустақил ҳуқуқий асослари яратилди.

Саккизинчидан, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятини амалга оширувчи ички хорижий органлари барпо этилди. Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Элчихона ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналар тузилди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятининг самарали институтцивий тизими яратилди.

2010 йил 20 сентябрь куни Ўзбекистон президенти И.Каримов БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлиси (саммити)да иштирок этиб, ундаги ўз маърузасида Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёнинг ядро қуролларидан ҳоли ҳудуд мақомини олишида, терроризм, экстремизм, наркотрафикка қарши курашиш, БМТ ва давлатлараро ҳамкорлиги, регионал экологик муаммоларни бартараф этиш борасидаги ишлари тўғрисида батафсил тўхтади. Президент Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида, Афғонистон мисолида, уни уруш мажоралар маконига айланмаслиги учун унга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, атроф-муҳит муҳофазаси каби муҳим масалалар бўйича таклифларни тақдим этди.¹

¹ «Тошкент оқшоми» рўзномаси., 2010 й., 21 сент., № 182

ХУЛОСА .

Биз яшаётган ҳозирги даврнинг характерли хусусиятларидан бири халқаро ҳуқуқий ва сиёсий муносабатларнинг ривожланиб боришидан иборат. Бу муносабатлар жаҳон тараққиётининг моҳиятини белгилаб бермоқда, халқлар ва давлатлар ўртасидаги хусусиятлар алоқаларнинг мазмунини ташкил этмоқда, давлатлараро ҳамкорликнинг ривожига самарали таъсир кўрсатмоқда. **Халқаро ҳуқуқий ва сиёсий муносабатлар** тараққиёти ҳуқуқий фаолият натижаларига боғлиқ. Давлатларнинг вужудга келиши улар ўртасидаги муносабатларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлган. Бу объектив характерга эга. Ҳеч бир мамлакат жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Халқаро сиёсий муносабатлар халқаро муносабатларнинг таркибий қисмидир. Бу муносабатлар давлатларнинг вужудга келиши ва улар ўртасидаги алоқаларнинг шаклланиши асосида рўй берган. Ҳамкорликнинг хилма-хил шакллари хусусан ҳуқуқий ва сиёсий ҳамкорлик муносабатлари сиёсат ва давлат арбобларининг қарашларида ўз аксини топган. Ҳуқуқий муносабатлар халқаро муносабатларнинг ўзига хос кўринишларидан биридир. Ҳозирги кунда халқаро муносабатларда ҳарбий, сиёсий ихтилофларга йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инсоният тақдири, жаҳон цивилизацияси тақдири хавфсизликнинг қай даражада таъминланганлиги билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам жаҳон уруши хавфининг олдини олиш, қуролланиш пойгасининг тўхтатилишига қаратилган чора ва тадбирларни амалга ошириш давлатлар ўртасидаги муносабатларда муҳим ўрин эгаллайди. Эндиликда жаҳон жамоатчилиги ва халқлари ҳарбий устунликдан ҳеч ким ютмаслигини тушуниб етмоқда.

Халқаро ҳуқуқий муносабатларда халқаро терроризмга қарши кураш зарурлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Терроризм XX асрнинг сўнгги ва XXI асрнинг бошларидаги энг мудҳиш ижтимоий-сиёсий ҳодисалардан бири бўлиб, халқаро муносабатларнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши бу муносабатларда келиб чиқадиган турли хилдаги зиддиятларга ва уларни ҳал

қилишга боғлиқдир. Бундай зиддиятлар халқаро сиёсий муносабатларда турли хил сабабларга кўра хилма-хил шароитларда рўй беради. Уларни келтириб чиқарадиган омиллар халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиш жараёнида, ўзига хос даражада намоён бўлади ва бу муносабатларга ўз таъсирини кўрсатади. Зиддиятлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари халқаро сиёсий муносабатларнинг ҳам ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Улар умумбашарий муаммоларни вужудга келтиради. Умумбашарий муаммолар моҳиятига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

Инсониятни ядро ҳалокати уруши хавфидан сақлаш.

Ялпи ва умумий тинчликни таъминлаш (ёки оммавий қирғин қуролларига қарши биргаликда кураш).

Халқаро терроризм муаммоси, шу жумладан минтақалардаги террористик ҳаракатларга биргаликда кураш.

Гиёҳвандликка қарши биргаликда кураш муаммоси.

Аҳолининг сон жиҳатдан ўсиши муаммоси.

Хомашё муаммоси.

Энергетика муаммоси.

қашшоқлик муаммоси.

Очарчиликка қарши кураш ёки озиқ-овқат муаммоси.

Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини асраш муаммоси.

Коинот ва жаҳон океанлари бойликларини тинчлик мақсадида ўзлаштириш муаммоси.

Орол муаммоси.

СПИДга қарши биргаликда кураш.

Хавфли касалликларни бартараф этиш. Рак ва сил касалликларига қарши кураш муаммоси.

Мустақилликка эришган мамлакатларнинг иқтисодий қолоқлигини бартараф этиш ёхуд кам тараққий этган мамлакатларни илғор мамлакатлар турмуш даражасига тенглаштириш ва бошқа муаммолар киради. Ушбу

муаммоларни ҳал қилиш **халқаро ҳуқуқни мукаммал тартиботини талаб этади.** Халқаро ҳуқуқ - давлатлар ва халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари ўртасида олиб бориладиган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги алоқаларнинг қонун ва қоидалари мажмуидир.

Халқаро ҳуқуқий муносабатларда амал қилинадиган тамойиллар.

БМТ Устави ва бошқа ҳужжатларда халқаро сиёсий муносабатларда амал қилинадиган тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- 1) *давлатларнинг суверен тенглигини ҳурмат қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик;*
- 2) *тинч-тотув яшаиш сиёсатига оғишмай амал қилиш;*
- 3) *халқаро келишмовчиликларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш;*
- 4) *давлатлар чегараларининг дахлсизлиги ва ҳудудининг бир бутунлигини тан олиш;*
- 5) *инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;*
- 6) *миллатлар ва элатларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш;*
- 7) *халқаро мажбуриятларга виждонан амал қилиш.*

БМТ нинг 1970 йилда қабул қилинган Декларациясига асосан суверен тенглик тушунчаси қуйидаги талабларни ўзида ифода этади:

- а) давлатларнинг юридик жиҳатдан тенглиги;*
- б) бир давлат бошқасини ҳамкорликнинг субъекти сифатида ҳурмат қилиши;*
- в) ҳар бир мамлакатнинг сиёсий мустақиллигини, ҳудудининг бир бутунлигини тан олиш;*
- г) ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожини ўзи белгилаши.*
- д) ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларини сўзсиз бажариши ва бошқалар.*

Халқаро муносабатларда қайсидир давлат томонидан олиб бориладиган терроризм энг хавфли ижтимоий-сиёсий ҳаракат бўлиб, халқаро муносабатларни тартибга солишга ўз салбий таъсирини кўрсатади. Халқаро ҳуқуқ давлатлар томонидан ишлаб чиқилган шунчаки қонун ва қоидалар бўлмай, объектив жараён бўлиб, кишиларни ўраб турган дунё билан ўзаро алоқаларга интилишлари натижасида қарор топган. Умуминсоний манфаатлар халқаро сиёсий муносабатлардаги ихтилофлардан устун туради. Бундай манфаатлар турли сиёсий тузумлардаги давлатларни, ҳозирги замоннинг долзарб масалаларини ҳал этишда биргаликда куч-қудрат

сарфлашга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида халқаро сиёсий муносабатларнинг барқарорлашиб, демократик асосларда ривожланиб боришини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқий ва сиёсий муносабатларнинг муҳим субъекти сифатида ўзининг тинчликсевар сиёсати, халқаро терроризмга, гиёҳвандликка қарши кураш каби таклифлари билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини қозонмоқда.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўла ва тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, жаҳон халқаро ташкилотларининг ихтисослашган, иқтисодий, минтақавий, ҳарбий-сиёсий ташкилотлари бўлимларида фаол иштирок этиб, минтақавий ва дунё барқарорлигини сақлашда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада халқаро ҳуқуқни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий манбалар, битимлар, шартномалар, келишувлар, халқаро ташкилотлар ҳужжатлари ва бошқа манбалар ҳуқуқий пойдевор бўла олади. Халқаро ҳуқуқ объектлари ва субъектларини чуқур ўрганиш ҳар бир замонавий шахснинг дунёқарашини тартибга солувчи куч эканлиги айён, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ривожига асосий омиллардан биридир.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ УМУМТЕХНИК ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА “ҲУҚУҚШУНОСЛИК” ФАНИ ЎҚИТИЛИШИДА
“ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ” МАВЗУСИНИ ЎРГАНИШ УЧУН
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР (тавсия).**

Дарс режасини вақтда тақсимлаш(маъруза) :80 минут

Тартиб рақами	Дарснинг босқичлари	Вақт
I	Ташкилий қисм	5 минут
II	Ўтилган дарсни такрорлаш	10 минут
III	Янги дарс мавзуси мазмунини тушунтириш	30 минут
IV	Гуруҳларда ишлаш	20 минут
V	Педтехнологик усул (масалан “Ақлий хужум”) дан фойдаланиб дарсни мустаҳкамлаш	10 минут
VI	Дарсни якунлаш. Хулоса чиқариш	3 минут
VII	Уйга вазифа	2 минут

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ
ТАВСИЯЛАР**

Амалий қисм материаллари ёрдамида ҳал қилинадиган асосий вазифа қуйидагилардан иборат: машғулотларда мунозара иштирокчилари халқаро ҳуқуқ, унинг объекти ва субъектлари тўғрисидаги фикрга келишлари кўзда тутилади. Ундан ташқари, кўтарилаётган муаммолар ўқувчиларга халқаро ҳуқуқ, унинг объекти ва субъектлари тўғрисида мулоҳаза юритишларига ёрдам беради.

Шу сабабли ўқувчиларда ўз ижтимоий кўникмалари ва маҳоратларини такомиллаштириш имконияти бор. Бу кўникма ва маҳоратлар қуйидагилардир: хатти-ҳаракатнинг турли усулларига, жумладан стереотипларга (намуна, қолипга) танқидий баҳо бериш; ўз хатти-ҳаракатларининг эҳтимолий оқибатларини таҳлил қилиш; ҳар бир кишини тинглай олиш ва бир-бирининг фикрини эшита билиш ва шу асосда имкониятларни баҳолаш; жамоада самарали ҳамкорлик.

Биринчи навбатда аҳамиятли мазмунга эга бўлган ва зарур информацион ва амалий материаллар билан ишлаш ўқитувчига саволларнинг бир қисмини

бутун аудитория билан умумий муҳокама қилиш вақтини қисқартириш имконини беради.

**Тушунчаларни ўрганиш дарс вақти бўйича тахминий тақсимланиш
жадвали**



Вақтни тақсимлашнинг бунга ўхшаш жадвали ҳар бир амалий машғулот учун ишлаб чиқирилиши мумкин.

Педагог савол-топшириқларнинг муҳокамасига (ҳам кетма-кетлигига, ҳам тўла фойдаланилишига) ижодий ёндошиши лозимлигини кўрсатиб ўтиш керак. Мавзуларда (ёзма ёки оғзаки) яқка тартибда жавоб беришни, гуруҳ бўлиб ишлашни, аудиториянинг ялпи ишлашини ҳамда ўқувчиларнинг уйда мустақил ишлашларини талаб қилувчи саволлар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олишни тавсия этамиз. Ўқитувчига дарснинг вазифалари ва ғояларидан келиб чиқиб, саволларни аввалдан муҳокама турлари бўйича гуруҳларга бўлиб олишни маслаҳат берамиз. Шунинг ҳисобга олиш лозимки, савол-топшириқларнинг асосий гуруҳи қуйидаги вазифаларни бажаради: мантикий фикрлаш усуллари ва танқидий ўзлаштириш тажрибасини эгаллашга, нисбатан камроқ саволлар эса фан бўйича билимларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва қўллашга ёрдам беради.

Ўқитувчи ўқув қўлланмасидаги материаллар ўқувчи учун мўлжалланганлигини ёддан чиқармаслиги зарур. Семинар жараёнида педагог унинг мазмунидан турлича тарзда фойдаланиши мумкин. Мавзу материалларининг алоҳида бўлимлар кўринишида берилганлиги эса бунга ёрдам беради. Ўқув дастури мавзуларини ўтишда бўлимларни ўрганиш ёки, тўғрироғи, улардан фойдаланиш қўлланмада баён қилинган кетма-кетликда бўлиши шарт эмас. Ундан ташқари, ҳар бир мавзу ичидаги савол-топшириқларнинг ечилиш кетма-кетлиги ҳам қатъий бўлиши шарт эмас,

уларни қандай кетма-кетликда ечиш мунозара давомида заруратга қараб ўзгартирилиши мумкин.

Дарс мавзулари ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларни четдан кузатгандек ўрганишни ва кишининг ўртача намуналарга яқинлаштирилган, “идеал” ҳуқ-атвори бўлишини кўзда тутмайди. Мавзулар ёшларни долзарб мавзуларга ўз муносабатини билдиришга йўналтиради, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарини далиллар асосида ҳимоя қилишга, битта масала бўйича мавжуд муқобил ёндашувларни бир-бирига қиёслашга ундайди. Бундай тажриба алмашуви ўқувчиларга бошқаларнинг ҳамда ўзларининг қарашларини таҳлил қилиш имконини беради. Семинар муваффақиятли ўтиши учун “Тасвирланаётган эпизод ва вазиятларни мен қандай баҳолайман?”, “Мен кимман?”, “Мен ўзимни қандай тутган бўлардим?”, “Шароит ўзимни шундай тутишга имкон берадимиз?” каби саволларга жавоб топишга уриниб кўриш талаб қилинади. Шу боис ўқитувчи ўз саъй-ҳаракатларини ҳар бир ўқувчининг очиқ бўлган, шу жумладан шубҳалар, маслаҳатлар ва кўмак учун очиқ бўлган нуқтаи назарини шакллантиришга қаратиши зарур.

Жамиятдаги ўта кескин вазиятлар билан боғлиқ маълумотларни ўрганаётиб, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳуқуқий, ахлоқий, психологик муаммоларга дуч келадилар. Ўқувчиларни ижтимоий ва шахсий муаммолар доирасига жалб қилар эканлар, ҳар бир ёш йигит ва қиз ҳаётини мўлжалларга эга бўлиш йўллари ҳақида ҳам ўйлаш даркор.

Ўқитувчи ўқувчиларга муаммоли хусусиятга эга масалани ечишни таклиф қилаётиб, амалда мунозара элементларидан фойдаланади. Мунозара – бу фаол, қизиқиш уйғотувчи суҳбат бўлиб, унинг иштирокчилари муҳокама қилинаётган саволларни тушуниб олишни истайдилар. Амалий машғулотларда ишлаш учун тавсия этиладиган ушбу усулнинг моҳияти бу машғулотлар айнан интерфаол (фаол ўзаро ҳамкорлик), яъни ҳам ўқувчилар ўртасида, ҳам ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ҳамкорлик ва биргаликда ижод қилиш кўринишида бўлиши лозимлигидан иборатдир.

Интерфаол ёндашиш нима ўзи? “Интерфаол” атамасини ишлатаётганда, кўпинча фойдаланувчининг компьютер билан интерфаол тартибда ишлашини назарда тутадилар. Бу атаманинг педагогикадаги талқинига келадиган бўлсак, қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим: интерфаол (ингл. interaction – ўзаро таъсир) – бир неча кишининг, айти ҳолда эса ўқувчилар ва ўқитувчининг ҳамкорликдаги самарали фаолияти демакдир. Интерфаоллик қўйилган вазифани ҳал этиш учун ҳаракатларни бирлаштиришни, баҳс иштирокчиларининг маънавий жиҳатдан ўзаро бойишини, ижодий ташаббускорликни рағбатлантиришни, баҳс олиб бориш қоидаларига риоя қилишни ва бир-бирини ҳурмат қилишни кўзда тутди. Интерфаол услубнинг муҳим тамойилларидан бири шундан иборатки, ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаси таълимнинг асосий негизи бўлади. Бундай ёндашишда масалаларни ечиш жараёнининг ўзи ҳам жавоб сингари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки мақсад ўқувчиларга тайёр жавобни беришда эмас, балки уларга мустақил ечим топиш кўникмаларини сингдиришдадир.

Дарснинг бошида ўқувчиларни бўлажак мунозарага тайёрлаш, мавзуга оид аввал ўзлаштирилган ижтимоий ва ўқув материалларини эсга олиш имконини бериш муҳим аҳамиятга эга. Буни мавзунинг асосий тушунча ва иборалари вужудга келтирадиган муайян тасаввурлар ҳақида ўқувчилардан сўраш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Янги нарсани ўрганаётганингизда, сиз ниманидир келиб чиқишингиз, ниманидир асос қилиб олишингиз керак, деган ягона умумий қоида масалаларни ечишнинг муҳим қисми деб ҳисоблаш зарур. Яъни, масала ўқувчиларнинг дарсдаги фаолиятининг асословчи сабаби (мотивацияси) тўғрисида кетмоқда. Энг аввало, бу ўқувчиларга, масалан, тарих ва ҳуқуқшуносликдан илгари олинган билимлардан маълум бўлган жиҳатлардир. Бироқ бунинг ўзи камлик қилиши аниқ. Эслатиб ўтганимиздек, мунозара самарали бўлиши учун мулоҳазалар учун бошланғич асос ўқувчиларнинг шахсий тажрибаларидан олинган бўлиши лозим. Агар биз XIX концепцияси ҳақида гапирадиган бўлсак, унда бу ҳақда тушунча бериш

ўқувчиларга аввал маълум бўлган қонун-қоидалар, яъни оилавий муносабатлар, таълим муассасаси, спорт ва маҳалла кабиларга оид қоидалар асосида тузилиши керак.

Ҳар бир ўқувчининг шахсий фикрга эга бўлиш ҳуқуқи борлигини такрорлаб ўтмоқчимиз. Лекин биз ёшлар нима учун инсон қадр-қимматини ҳар қандай вазиятда ҳам ҳурмат қилиш кераклигини, нима учун инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи қоидалари мавжудлигини билиш муҳимлигини ва нима учун уларни ҳурмат қилиш зарурлигини тушунишларини истаймиз. Агар биз ҳақиқатан ҳам ана шундай тушунишни ривожлантирмоқчи бўлсак, унда буни англаб олиш сари қадамба-қадам интилишимиз ва муаммолар устида фикр юритиш учун етарли вақтга эга бўлишимиз зарур.

Интерфаол педагогика нуқтаи назаридан, ўқитувчининг мунозара раҳбари сифатидаги вазифаларига, бир томондан, таълим жараёнининг боришини бошқариш ва, иккинчи томондан, ўқувчиларни дарсда қўйилган масалаларни ечишга йўналтириш киради. Амалий машғулотлар самарадорлигининг гарови, аввал айтилганидек, ўқувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйишдир.

Ўқитувчи “дирижёр” вазифасини ўташи учун қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- топшириқларни бажариш кетма-кетлигини, ишлаш услубини ва унга кетадиган вақтни аниқ тушунтиради;
- ҳар бир нуқтаи назарни ҳурмат қилган ҳолда, ўқувчиларнинг мулоҳазаларини диққат билан тинглайди; баҳсининг ҳар бир иштирокчисидан ҳам шундай йўл тутишни талаб қилади;
- билдирилаётган ғояларни доскада, ватман қоғозида ва шу кабиларда ёзиб боришни ташкил қилади;
- ўқувчиларнинг жавоб ва фикрларини назарий бўлим мавзулари ва амалий машғулот мавзуларининг асосий ғояси билан мантиқий боғлайди;
- умумий хусусиятларга эга бўлган фикрлардан қочиш мақсадида аниқ мисоллар келтиради ва аудиториядан ҳам худди шуни талаб қилади;

- у ёки бу фикрга асос бўлган фактларни баён қилишни сўрайди ҳамда бошланғич фактлар ва хулосалар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда ёрдам беради;
- ноаниқ фикрларнинг маъносини аниқлаштиради, масалан, бунда батафсил жавоб айтишга ундовчи қўшимча саволлар берилиши мумкин. Бундай саволлар аниқ бир ўқувчига ҳам, бутун аудиторияга ҳам қаратилган бўлиши мумкин;
- эътиборни жавоблардаги қарама-қаршиликларга қаратади, агар сўзловчининг фикрлари дарс мақсадидан четга чиқаётган бўлса, уни тўхтатади;
- баҳс иштирокчиларининг қарашлари ўртасидаги сезиларли фарқларни кўрсатади ва уларни муҳокама қилишни таклиф этади;
- баҳс иштирокчиларидан ҳеч қайсисининг аудиторияда устунликни эгалламаслигига қараб туради;
- баҳсга оралиқ ва якуний хулосалар чиқаради.

“Ақлий ҳужум” усулидан фойдаланиш.

Дарсининг бу босқичи ўқувчиларнинг олган билимларини хотираларида қанчалик даражада сақлаб қолганликларини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Ақлий ҳужум шунингдек ушбу мавзунинг асосий тушунчаларини мустаҳкамлаш мақсадига ҳам хизмат қилади. Ақлий ҳужум пайтида ўқувчилар сўралган саволларни ўзларида мавжуд тасаввурларга таяниб, қисқача шарҳлайдилар. Шарҳлар мазмуни доскага ёзиб борилади (буни ўқитувчи ёки бирор ўқувчи бажариши мумкин). Ақлий ҳужум тугагач барча шарҳлар умумлаштирилади.

Қуйида ақлий ҳужум пайтида бериладиган саволлар

келтирилмоқда:

1. Ўзбекистонни қанча давлат тан олган?
2. Ўзбекистон дунёдаги қанча давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган?
3. Тошкентда қанча мамлакат ва нечта халқаро ташкилотларнинг миссиялари аккредитация қилинган?
4. Ўзбекистонда БМТнинг ваколатхонаси қачон иш бошлаган?
5. БМТнинг 50 йиллиги қачон бўлган?
6. И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асари қачон ёзилган?
7. 1992 йил 8 – 10 июлда И.А.Каримов қайси давлатда расмий сафарда бўлган?
8. НАТОнинг Ўзбекистон иштирок этаётган дастури қандай номланади?
9. 2010 й. 20 сентябрь куни Президент И. Каримов қаерда сафарда бўлиб нутқ сўзлаган?
10. Қочоқлар ким?
11. Дипломатия нима?
12. Халқаро ҳуқуқ тамойилларини айтинг?
13. Халқаро шартнома мажбурияти нимадан иборат?
14. Комбатант ким ?
15. Тан олиш турларини айтинг.
16. Ратификация нима?
17. Депортация нима?
18. Экстрадация нима?
19. “Давлат аҳолиси” тушунчаси нимани англатади?
20. “Миллат” тушунчаси нимани англатади?

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАР

ИЛОВА - 1

Кўргазмали визуал материаллар.

1-слайд

Халқаро ҳуқуқ ҳуқуқнинг бошқа соҳалари каби ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш натижасида вужудга келган. Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларида қадимий илк жамоалар ва қбилалар бир-бирларини алоҳида ажралган ҳолда эмас, балки қбилаларнинг ёзилмаган қонунлари билан бирлашган эди. Биринчи одат нормалари давлатчиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ пайдо бўлган.

2-слайд


Халқаро ҳуқуқ – тарихий ижтимоий ҳуқуқий амалиётининг ривожланиш натижасидир.

Кишилиқ тарихи давомида халқаро ҳуқуқ нафақат халқаро муносабатларни тараққиёти билан брга ривожланиб келди, балки уларга маълум даражада таъсир кўрсатган.


Халқаро ҳуқуқ бизни ўраб турган дунёнинг муҳим бир ажралмас қисмидир.

3-слайд





Халқаро ҳуқуқ тизими ва функциялари.



Халқаро ҳуқуқ функциялари:

1. *Мувофиқлаштирувчи* – давлатлар халқаро ҳуқуқ нормалари ёрдамида халқаро ҳамкорликнинг турли соҳаларида ҳуқуқ ативор стандартларини белгилайди.
2. *Тартибга солувчи* – давлатлар томонидан қатъий қоидаларни белгилашда намоён бўлади.
3. *Таъминлаш* – маълум бир ҳуқуқ-ативор қоидаларига риоя қилишга ундайди.
4. *Муҳофаза* – давлатлар миллий манфаатлари ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилади.


Халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари.

Халқаро ҳуқуқ тамойиллари – бу ижтимоий амалиёт натижасида вужудга келадиган халқаро ҳуқуқнинг юридик мустаҳкамланган асослари бўлиб, ҳуқуқ субъектлари хатти-ҳаракатининг раҳбарий қоидалари ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ тамойили – бу авваломбор халқаро ҳуқуқ нормасидир.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари халқаро ҳуқуқ тамойилларига риоя қилишга қатъий мажбурдирлар.

Халқаро ҳуқуқ тамойилларининг шаклланиш усуллари:



ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ	
АСОСИЙ	МАХСУС
давлатлар	давлатга ўхшаш тузилмалар (Ватикан, Мальта ордени)
ўз тақдирини ўзи белгилаш учун курашаётган халқлар ва миллатлар	халқаро ноҳукумат ташкилотлар
халқаро (ҳукуматлараро) ташкилотлар	Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси
халқаро идоралар (трибуналлар, судлар, комиссиялар ва бошқалар)	трансмиллий (халқаро) корпорациялар
қўзғолон кўтарган ёки уруш қилаётган томонлар	индивидлар

Мустақил иш.

Халқаро ташкилотларнинг ташкил топиши ҳақидаги жадвални хронологик тартибда тўлдилинг.

<i>Ташкилотлар ар номи</i>	<i>Ташкил топган вақти</i>	<i>Ташкил топган жойи</i>	<i>Фаолият соҳаси</i>	<i>Ўзбекистонни нг аъзо бўлган вақти, ўрни</i>
--------------------------------	--------------------------------	-------------------------------	---------------------------	--

Бу вазифа икки кишидан иборат гуруҳлар томонидан бажарилади. Ўқитувчи доскага ташкилотларнинг номини ёзиб қўйиши мумкин.

Иқтидорли ўқувчилар учун топшириқ:

- Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) ҳақида реферат ёки презентация тайёрлаш.
- Ўзбекистоннинг Хитой билан халқаро алоқалари ҳақида реферат ёзинг.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ – ГЛОССАРИЙ

Суверенитет – франц., бир давлатнинг иккинчи давлатга (васаллик)га нисбатан устуворлик ҳуқуқи.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари - фуқаролар ҳаётидаги, туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш каби воқеа ҳамда фактларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланишидир.

Экологик уруш- рақибга унинг худудига таъсир қилиш орқали зарар етказиш. бу БМТ томонидан ман қилинган.

Экологик офат зоналари- . худудий участкаларида хўжалик ва бошқа фаолият натижасида фауналар ва флоралар бузилиши, табиий экологик тизимни вайрон қилиш натижасида табиий мувозанатнинг бузилиши.

Алиби - жиноят содир этилган пайтда айбланувчининг бошқа жойда бўлиши.

Депортация-жиноий ёки маъмурий жазо чораси сифатида давлатдан мажбуран чиқариб юбориш.

Терроризм-жамоат ҳавфсизлигига қарши қаратилган жиноят халқнинг тинчлигини бузиш.

Дипломатия - юнонча “диплома”- “ёзувлар битилган тахтачалар” сўзидан олинган бўлиб. халқаро муносабатларни тартибга солувчи восита, институт.

Халқаро кафолат- халқаро ҳуқуқда халқаро мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир.

Халқаро низо - давлатлар ўртасидаги узаро келишмовчиликларни ва зиддиятларни, хусусан тинчлик ва ҳавфсизликка таҳдид солинаётган вазият

Дипломатик ҳуқуқ – давлатнинг ташқи сиёсатида фаолият юритувчи давлат органларининг функциялари ва мақомини белгиловчи халқаро ҳуқуқнинг бир тармоғи

Геноцид - миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни тўлиқ ёки қисман қуйидаги ҳаракатлар орқали йўқ қилиб юбориш тушунилади.

Халқаро шартнома – бу давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги маълум бир масалаларни тартибга солиш мақсадида ўзаро келишув тартибида ёзма шаклда тўзиладиган халқаро ҳуқуқий ҳужжат

Агрессия - бир давлатнинг бошқа давлат суверенитети, худудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши қуролли куч ишлатиш ёхуд БМТ Уставига зид бўлган бошқа воситаларни қўллаш

Ресторация – ўзи билан бир давлат томонидан бошқа давлатга нисбатан унинг манфаатларига зиён етказгани учун халқаро ҳуқуққа мос мажбурият чораларини куллашга айтилади.

Халқаро ҳуқуқбузарлик - бу халқаро ҳуқуқ субъектининг халқаро ҳуқуқ нормалари ва ўзининг халқаро мажбуриятларини бузувчи ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъекти ёки субъектлари гуруҳига ёхуд бутун халқаро ҳамжамиятга моддий ва номоддий зарар етказувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидир.

Чет эллик – ўзи яшаб турган давлат фуқаролигига эга бўлмаган, аммо ушбу давлат ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган ва бошқа бир давлат фуқаролигида бўлган шахс.

Аҳоли - маълум бир давлат ҳудудида ҳозирда яшаб келаётган жисмоний шахслар мажмуи тушунилади.

Давлат чегараси - давлат ҳудудининг давлат суверенитетининг кенглигидаги сарҳадларини белгиловчи чизиқ ва у бўйлаб ўтадиган вертикал садҳи, давлатнинг қуруқликдаги, сувдаги ва ҳаводаги чегаралари ҳамда ер ости бойликларини ажратишга имкон беради. Давлат чегараси муайян чизиқ ва мазкур чизиқ орқали ўтган вертикал текисликдир, у давлат ҳудуди қуруқлик, сув ва ҳаво чегаралари каби турлардан иборат. Қуруқликдаги чегаралар ва дарёлар, кўллар ҳамда бошқа сув хавзалари бўйлаб ўтадиган чегаралар чегарадош давлатлар ўртасидаги шартномаларга мувофиқ ўрнатилади.

Қочоқлар - диний эътиқод, миллий ва ижтимоий келиб чиқиш, ирқчилик туфайли қувғинга олинган, ҳуқуқлари поймол этилаётганларнинг зўравонликдан қочган, фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмасдан ўз яшаш жойларини ташлаб кетган ва бошқа мамлакатлар ҳудудига пана излаётган шахслар

Комбатант - ҳарбий қўшинлар таркибига кириб, ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этувчи шахслар

Давлатни тан олиш турлари :

вақтинча ёки бир мартага тан олиш - **ad hoc**
расмий , лекин нотўлиқ тан олиш - **de facto**
расмий, тўлиқ тан олиш - **de jure**

Ратификация - расмий ҳужжатни тан олиш ва унинг қоидаларига риоя қилишга аҳд қилиш.

Экстрадация - жиноятчини жиноий жавобгарликка тортиш учун, уни давлатдан сўраётган давлатга кўчириш.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 2009.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.«Ўзбекистон», 1997
3. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. Т. «Ўзбекистон», 2001й.
4. И.А.Каримов.Адолат қонун устуворлигида. Халқ сўзи газетаси.2001 йил 31 август. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2 чақириқ VI сессиясида сўзлаган нутқи).
5. И.А.Каримов. Ҳалқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Президент И.Каримовнинг 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи. 2004 йил 30 апрель. №89 (3364).
6. И.А.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди. 13-том. Т., “Ўзбекистон”, 2005
7. И.Каримов. Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир. Т., 2009.
8. И.Каримов. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Т.: «Ўзбекистон», 2009
9. И.Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 19 йиллик тантанасидаги нутқи.
- 10.Одилкориев Б, Очилов Б. – Хозирги замон халқаро ҳуқуқи Т.: 2002.
- 11.Маматкулов А. Халқаро ҳуқуқ. Т., Адолат, 1997.
- 12.Современное международное право. Сборник документов, М., «Норма», 2000.
- 13.Г.Маткаримова. Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон ҳуқуқий тизими. Т., ТДЮИ, 1999.
- 14.Г.Маткаримова. Низоларни тинч ҳал қилиш воситалари. Т., ТДЮИ, 2006.
- 15.Тошкент окшоми” рўзномаси., 2010 й., 21 сент., № 182

Нусха кўпайтирувчи: ХТ “Ризаев М.Х.”

Босишга рухсат этилди: 16.10.2010й.

Бичими: 21x30¹/₁₆. Адади: 50 нусха.

Тошкент, Амир Темур шоҳ кўча - 20.

Тел: 233-13-07. 156-67-96.